# БУТУН КУЧ—ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ПЛАН ВА ЮКСАК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШГА!

## МАТБУОТ МАРКАЗИ хабар қилади

## УЮШҚОҚЛИК — БОШ МЕЗОН

● 10 октябрь эрталабига қадар республика қабул пунктларига 2817672 тонна, шу жумладан 202461 тонна ингичка толали пахта топширилди. Ялпи хирмоннинг 789776 тоннаси «пўлат этак»лардан тўкилди.

● ЎТГАН КУНИ ПАХТАЗОРЛАРДАН 82136 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН 7573 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТЕРИБ ОЛИНДИ.

● Октябрнинг ҳар бир куни ҳосил учун курашда муҳим палладир. Йиғим-теримда ҳар бир соатни қадрлайлик. Барча резерв ва имкониятларни ишга солиш ва «оқ олтин» теримида юқори суръатни таъминлаш далаларда тер тўкаётган ҳар бир кишининг асосий мақсади бўлсин.

### СУВОРИЙЛАР ШИЖОАТИ

● Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз дала гвардиячилари машина терими планини бажардилар. «Зангори кема»лар бункеридан 1650 тонна дурдона тўкилди. Илғор механизаторлардан Турсунбой Доканов, Болтабой Жангабоев ва Бинали Маҳмудовлар хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар. Бу суворийларнинг ҳар бири ҳозирга қадар 100-130 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлишди.

● Задарё райони механизаторлари терим агрегатлари қувватидан унумли фойдаланмоқдалар. Ҳозир далаларда 316 та комбайн ишлатиляпти. 9 октябрь куни «зангори кема»лар ёрдамида қарийб 1,5 минг тонна «оқ олтин» териб олинди. 100 дан ортиқ механизатор кунига агрегатлари бункеридан 7-8 тоннадан пахта тўкишмоқда. Ильич номли совхознинг пешқадам механизатори Абдусалом Қодиров ўғиллари Баҳодир, Абдифаттоҳ ва Иброҳимлар билан ўтган куни «зангори кема»лар бункеридан 55 тонна дурдона тўкишга муваффақ бўлди.

### БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

● «Тошкент» совхозининг Сафар Холбоев бошлиқ бригадаси азаматлари Усмон Юсупов районида биринчи бўлиб ғалаба маррасини эгалладилар. Ҳар гектар ердан 26 центнердан юқори сифатли пахта йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг ҳаммаси агрегатлар ёрдамида терилди. Илғор механизаторлардан Норқобил Жуманазаров, Абдували Холбоев ва Абдуҳалим Расуловлар хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар. Теримни тезкорлик билан давом эттираётган дала гвардиячиларининг ҳар бири кунига 6—7 тоннадан дурдона тераётир.

### ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

● Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг Оллом Маткаримов бошлиқ бригадаси заршунослари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб тўёна билан кутиб олмоқдалар. Пешқадам бригада коллективи йиллик план муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. 175 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарилди. Қабул пунктларига 720 тонна «оқ олтин» топширилди.

Ўз имкониятларини чамалаб чиққан пахтакорлар давлатга яна 280 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

### МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

● Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхозининг Султон Омондурдиев бошлиқ бригадаси тўрт кунда социалистик мажбуриятини бажарди. Қўриқ ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Миришкорлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

### ВЕТЕРАНЛАР ҲИММАТИ

● Бухоро районидаги «Ленинизм» колхозида истиқомат қилувчи ветеранлар йиғим-теримда актив иштирок этишмоқда. Кекса пахтакорлардан иборат 38 кишилик группа ёшларга хос ғайрат кўрсатиб ишламоқда. Шариф Маҳмудов, Бибиш Каримова ва бошқа ветеранлар кунига 35—40 килограммдан «оқ олтин» теришаётир.

## „ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 10 октябрга бўлган

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона | 2,01 | 68,01 | 0,64 | 12,08 |
| Тошкент | 0,42 | 63,44 | 0,17 | 55,01 |
| Андижон | 1,59 | 60,84 | 0,63 | 23,94 |
| Наманган | 2,08 | 58,08 | 2,03 | 27,33 |
| Сурхондарё | 1,72 | 53,69 | 1,52 | 38,21 |
| Хоразм | 2,44 | 47,15 | 1,13 | 11,87 |
| Бухоро | 1,16 | 43,47 | 0,12 | 5,37 |
| Самарқанд | 1,03 | 41,59 | 0,35 | 11,21 |
| Навоий | 1,20 | 35,77 | 0,50 | 5,63 |
| Сирдарё | 0,84 | 35,70 | 0,60 | 30,92 |
| ҚҚАССР | 2,40 | 33,61 | 1,90 | 16,64 |
| Жиззах | 0,76 | 31,64 | 0,19 | 30,61 |
| Қашқадарё | 0,32 | 27,70 | 0,11 | 5,32 |
| Республика бўйича: | 1,38 | 47,24 | 0,72 | 21,94 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Сурхондарё | 2,56 | 61,78 | 3,42 | 63,50 |
| Наманган | 1,70 | 53,98 | — | — |
| Навоий | 1,10 | 34,67 | — | — |
| Бухоро | 1,17 | 32,26 | — | — |
| Қашқадарё | 0,43 | 23,38 | 0,21 | 2,84 |
| Республика бўйича: | 1,76 | 47,08 | 1,86 | 34,11 |





Ўзбекистон ССР ва Ўзкомпартиянинг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш республикамиз меҳнаткашларининг жонажон ишига айланди. Пахтакорлар ва чорвадорлар, сабзавоткорлар ва шоликорлар — ҳамма ўз соҳасида фидокорона ишлаб, коммунистик маъмурчилик яратишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Маҳсулотларнинг аъло сифатли бўлишига алоҳида аҳамият бермоқда. Ўнгдаги суратда Навоий область Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхозининг моҳир сут соғувчиси, район Советининг депутати Марҳабо Бозорованы кўриб турибсиз. У ўзига бириктилган ҳар бош сигирдан 3500 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиш учун астойдил курашмоқда. Ҳар бир сигирнинг маҳсулдорлиги кунига 8—10 килограммни ташкил этмоқда. Хўжаликнинг бошқа сут соғувчилари ҳам ана шундай зафарларга эришмоқдалар.

● Қорақалпоғистон АССР Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз шоличиликка ихтисослаштирилган. Хўжаликнинг 4 минг гектар майдондаги шолиси қийғос пишиб етилди ва ўрим-йиғим ишлари тобора кучайтирилмоқда. Шу кунларда 160 комбайн ва 80 га яқин жатка тўла қувват билан ишлатилмоқда.

Чапдаги суратда совхоз директори О. Қурбонниёзов 70 центнерчи бригада бошлиғи Мирзабой Қорлибоев бригадасида шоли ҳосилининг чўғини кўздан кечирмоқда. Бу бригада ўрим-йиғимда олдинги ўринда бораётир.

А. Элмуродов ва А. Усмонов (ЎзТАГ) фотолари.

## ЯНГИ НАВ СИНОВДА

● Оқолтин районидаги «Фарғона» совхоз-техникуми далаларидан лабораторияга «Элита» деб ёзиб қўйилган халтачалар келтирилди. Уларга сара чигит берадиган «Оқ олтин» деб аталган янги ғўза навидан етиштирилган пахта солинган. Бу навни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институтининг олимлари яратдилар.

— Ишлаб чиқариш синовлари бу нав Мирзачўлнинг табиий-иқлим шароитига ғоят мос бўлган нав эканлигини кўрсатди, — деди совхоз элита хўжалиги бўлимининг мудири Шавкат Исмоилов. — Янги пахта нави иссиққа, касалликларга чидамли бўлиб, кўп тола беради. Шунинг учун бизлар бу йилдан бошлаб ана шу нав чигитни етиштиришни икки баравар кўпайтиришга қарор қилдик.

Хўжаликда чигитнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда фақат яхши очилган чаноқларнинг пахтаси териб олинмоқда. Жами 110 тонна элита пахтаси териб олиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

## БУГУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

● ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! Бутун куч, техника воситалари, резервларни ишга солиб, терим графикларини 1,5—2 ҳисса қилиб бажаришга эришинг. Бўлиб ўтган ёғингарчиликлар ҳаммамиз ва ҳар биримизга сабоқ бўлсин. Ғайрат отига қамчи босинг!

● ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР! Ем-хашак тайёрлашни бутун чоралар билан кучайтиринг, қишловга намунали тайёргарлик кўринг. Биноларни сифатли ремонт қилинг. Аралаш озуқани кўпайтиринг. Сут, гўшт, тухум тайёрлаш планларини ортиғи билан бажаришга эришинг!

● ШОЛИКОР ЎРТОҚЛАР! Ўрим-йиғимни авж олдиринг. Комбайнлар ва жаткаларни тўла ишга тушириб, унумдорлигини оширинг. Давлатга шоли топшириш планларини тезроқ бажарайлик! Нобудгарчиликка қарши қаттиқ курашинг!

*Партия турмуши: коммунистлар йиғим-терим байроқдорлари*

## ШАХСИЙ ИБРАТ

**Охунбобоев номли колхоз Ёзёвон районидаги йирик пахтачилик хўжаликларидан бири ҳисобланади. Аҳил коллектив республикамиз юбилейи йилида ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан хирмон кўтариб она-Ватан омборларига 7 минг тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилган. Хўжаликда терим суръати кун сайин оширилиб тайёрлов пунктларига ҳар куни йиллик планнинг 3 процентига етказиб уруғлик пахта топширилмоқда. Дала йўлларидан кечаси-ю кундузи пахта пункти томон ўнлаб прицеп ва тележкалар узлуксиз қатнаб турибди.**

— Юбилей йили — пахта йили бўлди, — дейди колхоз партия комитетининг секретари А. Латипов. — Етиштирилган мўл ҳосилни тез ва сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун қизғин кураш кетмоқда. Бу долзарб иш тепасида ҳамма вақт бўлганидай коммунистлар турибди. Колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги 270 коммунистдан қарийб 260 нафари бевосита йиғим-терим ишларида қатнашмоқда.

Пахтачилик бригадаларида бўлганимизда партком секретари ҳақ гапни айтганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бу ўринда характерли бир мисолни айтиб ўтиш ўринлидир. Ёш-яланглар билан бир қаторда пахта тераётган, ёши етмишларни қоралаб қолган бир аёл билан суҳбатлашиб қолдик. Бу онахон колхозда қарийб чорак аср бригада бошлиғи бўлиб ишлаган, муттасил юксак кўрсаткичларга эришгани учун ҳукуматимизнинг беш ордени билан тақдирланган коммунист Тошмомо Исҳоқова экан. У пенсияга чиққанига анча бўлди. Лекин ўз ўрнини далада деб билади.

— Адашмасам, — дейди у, — ҳозир бирорта ҳам пенсионер уйда ўтиргани йўқ. Мана шу бригаданинг ўзида колхозга кўп меҳнати синган коммунист пенсионерлар Мастура Орипова, Бобосафар Қодиров, Музаффар Ҳасановлар ҳам ёрдамга чиқишган. Арғамчига қил қувват дейдилар...

Колхозда 21 пахтачилик бригадаси бор. Уларнинг ҳаммасига коммунистлар раҳбарлик қилишади. Шуниси характерлики, бригадалар қошидаги цех партия ташкилотлари ҳамма жойда йиғим-терим ишларини юксак суръат ва сифат билан ўтказишда жанговарлик билан иш олиб бормоқдалар. Айниқса, коммунист Т. Масобиров бошлиқ бригадада коммунистлар, йиғим-теримда қатнашаётган барча теримчилар оммавий фидойилик кўрсатиб ишлаётганликлари кўзга ташланиб турибди. Бригада аъзолари 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиб олишга сўз беришган. Кунига йиллик планнинг 6 процентигача «оқ олтин» топширган аҳил коллектив пахта тайёрлаш планини аллақачон бажарган. Ҳозир юксак мажбурият ҳисобига пахта топшириляпти.

Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь Революцияси орденлари нишондори коммунист Алибой Муллаев етакчилик қилаётган бригадада ҳам меҳнат сурони авжида. Кун пешиндан оға бошлаганда бригада механизатори Р. Абдулҳамидов тележкасига тўртинчи марта пахта ортиб қабул пунктига жўнади. Яна бемалол уч марта қатнашим мумкин дейди у. — Бригада коллективи юбилей йилида 340 тоннага яқин пахта топширамиз деб туришибди. Моҳир ишлаб чиқариш командири, коммунист А. Муллаев етакчилик қилаётган бригада коллективи орзуси ушаладиган кунлар жуда яқин.

Коммунист Ш. Қодиржонова колхоздаги ёш бригада бошлиқларидан бири. Шундай бўлишига қарамай, у деҳқончилик қилаётган 101 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Бригада бошлиғи улкан карталарга ишора қилиб, бу майдонларда биринчи терим тугалланганини айтади. Лекин пахтаси чамандек очилиб турган карталарга боққан киши бунга ишонгиси келмайди. Ҳа, пахта ниҳоятда бўлиб берганлиги шундоққина кўриниб турибди. Бригада аъзолари ҳар куни қабул пунктига 3,5—4 процент миқдорда пахта топширишяпти. Улуғ Октябрь байрамига 45 центнерлик маррани албатта эгаллаймиз, бу бригадамиз коммунистлари, барча теримчиларимизнинг қатъий аҳду паймони, дейди Ш. Қодиржонова. Биз 100 гектар ерда пахта етиштирган коммунист Т. Ҳасанов бошлиқ бригада далаларида ҳам ана шундай шиддатли ва кўтаринкилик билан қилинаётган меҳнат самараларини кўрдик.

Яна бир нарсани эътироф этиш керак. Хўжаликнинг қайси бригадасига борманг теримчилар ўртасида меҳнат беллашуви кенг йўлга қўйилганлиги, минглаб теримчи ва ёрдамчилар мусобақаси авж олганини яққол кўрасиз. Колхоз партия комитети, барча коммунистлар масаланинг шу томонига алоҳида эътибор бермоқдалар. Беш юздан кўпроқ теримчи мавсумда 10—13 тоннадан пахта теришга сўз берган. Шарофат Зокирова, Солия Субҳонова, Азима Ўрмонова, Раҳима Тожибоева каби юзлаб теримчилар ҳозиргача хирмонга 6,5—7 тоннадан «оқ олтин» териб топширдилар. Агитколлектив атрофига уюшган 40 га яқин агитатор ҳамда сиёсий ахборотчи илғорлар тажрибасини изчиллик билан оммалаштириб, минг-минглаб теримчи ва ҳашарчиларни янада унумлироқ ишлашга даъват этмоқда. Колхоз пахта териш ва топширишда районда биринчи ўринда бораётир.

Колхознинг кўпсонли коммунистлари ғалаба маррасини тезроқ эгаллаш йўлида ибрат кўрсатиб меҳнат қилишиб, зафар дақиқаларини кун сайин яқинлаштирмоқдалар. Хўжалик меҳнат аҳли 15 октябрда ғалаба рапортига имзо чекишни мақсад қилиб, терим суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар.

**О. ҲАКИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

*Механизатор минбари*

## ЯГОНА МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

Ҳар киши ҳаётда маълум мақсад билан яшайди ва унга эришмоқ учун курашади, учраган қийинчиликларни мардлик билан енгади. Катта тажриба орттиради. Бу тажриба унинг мулки бўлиб қолади ва келгусида халққа хизмат қилдирилади. Менинг бу йилги ягона мақсадим битта — у ҳам бўлса машинада 200 тонна пахта теришдир. Совхозимиз коллективи, ҳамкасб ўртоқларим, партия ташкилоти олдида шундай ваъда берганман. Ҳар қандай шароитда ҳам бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаб, сўзимнинг устидан чиқаман.

Ҳозир шундай босқичга кирдикки, кунларни тунларга улаб меҳнат қилмоғимиз, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ва каттароқ меҳнат зафарларига эришмоғимиз керак. Акс ҳолда сўзимизнинг устидан чиқолмай, уялиб қолишимиз мумкин. Имконият бор экан, ажойиб «зангори кема»лар рулини моҳирлик билан бошқармоғимиз, теримда юқори суръат ва аъло сифатга эришмоғимиз зарур. Вазият, механизаторлик бурчи шуни тақозо этаётир.

Совхозимизда, шу жумладан, мен хизмат қилаётган пахтачилик бригадасида машина терими кечроқ бошланди. Буни оқлашга ҳеч қандай асос йўқ. Энди қўлдан бой берилган фурсатнинг ўрнини бир кунда бир ярим-икки кунлик нормага тенг пахта териш билан қопламоғимиз лозим. Терим бошланган дастлабки кунларда бункерлардан 5—6 тонна пахта тўкдим. Кейинчалик суръатни 7—8 тоннага чиқардим.

Совхозимизда 63 та «зангори кема» бор. Уларнинг ҳар бирига норма белгиланган. Уни миқдор ва сифат жиҳатидан ошириб бажараётган механик-ҳайдовчилар беш кунлик иш якунига кўра рағбатлантириб борилаётир. Орқада қолаётганлар эса қаттиқ тартибга чақирилиб, ўз имкониятлари даражасида ишлашлари талаб этилмоқда. Ҳозир ҳеч кимга имтиёз берилмайди. Белгиланган график сўзсиз бажарилиши, ҳатто ортиғи билан адо этилиши лозим.

Куни кеча бўлиб ўтган ёғингарчиликлар пахта тайёрлаш суръатини кескин пасайтириб юборди. Биз табиатнинг қийинчиликларига уюшқоқлик ва омилкорлигимизни қарши қўймоқдамиз. Ҳозирги вазиятда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлашимиз талаб этилади. Амалда худди шундай қилмоқдамиз, ҳар қандай шароитда ҳам план ва социалистик мажбуриятларни тўла бажариш — бизнинг коммунистик бурчимиздир.

Шу кунларда ҳамма «зангори кема»лар тўла ишга солинмоғи ва тўхтовсиз икки сменада ишлатилмоғи даркор. Бунинг учун механик-ҳайдовчилар садоқатли сменадошлар ва шогирдларга эга бўлмоқлари, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилмоғи зарур. Ахир машина терими — иш унуми-ку! Султон Қоражонов, Мамадиёр Эрназаров, Геннадий Новицкий сингари жонкуяр механик-ҳайдовчиларимизнинг фидокорлиги билан пахта тайёрлаш суръатлари кучайтирилмоқда. Машиналар шарофати билан Б. Носиров, Ҳ. Қодиров, Т. Бойхўрозов, Э. Рустамовлар бошлиқ бригадалар қисқа вақт ичида теримдаги қолоқликни тугатиб, илғорлар сафидан ўрин олди. Бригадалар аъзоларининг фикри-зикри ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40—45 центнерга кўтаришга қаратилгандир.

Хўжалигимизда олтита терим-транспорт отряди тузилган, 25 та транспорт трактори 126 та тележкада тайёрланган пахтани пешма-пеш тайёрлов пунктига етказиб бераётир. Пахтанинг хирмон жойларда ётиб қолишига йўл қўйилмайди. Бункер-тележка-пункт усули мавсум бошидан буён қўлланиб келиняпти ва пахта юқори сортга қабул қилинаётир. Бу йил хўжалигимиз бўйича ялпи ҳосилнинг камида 90—95 процентини юқори сортларга топширишга аҳд қилганмиз. Бунга сўзсиз эришамиз.

Совхозимиз юбилей йилида 10 минг тонна «оқ олтин» тайёрлайди. Унинг 7600 тоннасини «пўлат этак»лардан тўкиш биз, механик-ҳайдовчилар зиммасига юклатилган. Кўриниб турибдики, бу бир киши ёки бир группа кишиларнинг қўлидан келадиган иш эмас. Барча баравар зўр бериб ҳаракат қилгандагина кўзланган мақсадга тезроқ эришиш мумкин. Бунинг учун бирорта механик-ҳайдовчи бир дақиқа бўлса ҳам теримдан четда турмаслиги, ўзаро мусобақалашиб ишлаб, янги марраларни эгаллаши лозим. Бугун бундан ҳам муҳим вазифа йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Звенолар, бригадалар, бўлимлар, колхоз ва совхозлар бўйича белгиланган кунлик терим графикларининг ортиғи билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш барча теримчилар, ҳашарчилар сингари биз, механизаторларнинг ҳам муқаддас бурчимиздир.

**Усмонқул АЗИМОВ,**
**Ворошилов районидаги «Гулистон» совхозининг механик-ҳайдовчиси.**

## САМАРҚАНДДА БОНГ УРИШ КЕРАК

Область меҳнаткашлари йил бўйи зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Ҳамма майдонларда пахтадан мисли кўрилмаган юқори ҳосил етиштирилди. Йиғим-терим ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошланди. Бутун куч ва техника воситаларини дала ишларига сафарбар этаётган Пастдарғом, Пахтачи, Каттақўрғон районларида кунлик пахта тайёрлашда дурустгина кўрсаткичларга эришилмоқда. Ҳамма жойда сортнинг юқори бўлишига алоҳида эътибор берилаётир.

Бироқ областнинг Оқдарё, Большевик, Жомбой районларида сентябрь ойида пахта тайёрлаш графиклари бажарилмади. Октябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида ҳам теримда сезиларли ўзгариш бўлмади. Белгиланган графиклар қоғозда қолиб кетмоқда. Самарқанд райони энг сўнгги ўринда турибди.

Областнинг бу қадар судралиб қолишига сабаб шуки, кўпчилик районлар, колхозлар ва совхозларда ишчи кучлари, техника воситалари дала ишларига тўла сафарбар этилмаган. Пишиқчилик даври эмасми, бозорчилар кўпайиб кетди. Графикларнинг бажарилишини соатлар сайин таъминлаш чоралари кўрилмаётир. Меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Теримчиларнинг кўпчилиги ишга кеч чиқиб, эрта қайтадилар. Кунлик нормани ортиғи билан бажараётган теримчиларнинг иш тажрибаси суст оммалаштирилмоқда. Норма бажармаётган теримчиларга нисбатан талабчанлик кучайтирилмаётир. Ҳозир жуда кўп шаҳарликлар, айниқса, студентлар пахтакорларга ёрдамга отландилар. Афсуски, унумли ишлашлари учун уларга қулай шароитлар яратиб бериш эътибордан четда қолмоқда. Область ва район агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари ҳамон «кўсаклар яхши очилмаяпти» деган зарарли кайфиятга барҳам берганлари йўқ.

Терим машиналари ҳамон тўла ишга туширилмаган. Ишлаётганларининг унумдорлиги пастлигича қолаётир. Пешқадам механик-ҳайдовчилар кунига бункерлардан 10 тоннага етказиб пахта тўкаётганлари ҳолда, кўпчилик механизаторлар 3—4 тонналик маррадан нарига ўтиша олмаётир. Натижада область бўйича машина терими плани атиги 11 процент бажарилди. Бу аҳволда 310 минг тонналик марра қачон эгалланади? Областнинг деярли 500 минг тонналик «оқ олтин» бунтига қачон ғалаба байроғи тикилади?

Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеология ишларини шу куннинг талаблари даражасига кўтаришлари керак. Коммунистлар этак боғлаб, машиналар рулини бошқариб, кўп ва тоза пахта теришда намуна кўрсатишлари талаб этилади.

Самарқандлик ваъдасига вафодор пахтакорлар теримда кескин ўзгариш ясаш чораларини кўришлари керак.

## ОИЛА ХИРМОНИ

Большевик районида яна икки пахтакор оила — «Память Ленина» колхозининг Тўхтахон Ширатова ва Сувон Санақулов бошлиқ оилавий звенолари йиллик планни адо этдилар.

